

## Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 99-ҳадис

99 - **«Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигига, Муҳаммад Аллоҳнинг Расули эканига шаҳодат келтирмагунларича улар билан жанг қилгин. Агар шундай қилишса, сендан қонлари ва молларини сақлаб қолишади, лекин (Ислом) ҳаққи мустасно ва уларнинг ҳисоб-китоби Аллоҳнинг зиммасида».**

Аллоҳнинг Расули эканига шаҳодат келтирмагунларича улар билан жанг қилгин. Агар шундай қилишса, сендан қонлари ва молларини сақлаб қолишади, лекин (Ислом) ҳаққи мустасно ва уларнинг ҳисоб-китоби Аллоҳнинг зиммасида».

### 1. 99. У кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хайбар куни **«Мен бу байроқни Аллоҳ ва Унинг Расулини яхши кўрадиган бир кишига бераман. Аллоҳ унинг қўли билан фатҳ қилади»**, дедилар. Умар ибн Хаттоб: «Фақат ўша кунигина амир бўлгим келган, мени чақириб қолишармикан деб бўйнимни чўзганман», деган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Алий ибн Абу Толибни чақириб, байроқни унга бердилар ва **«Олға бос! Аллоҳ сенга фатҳ бермагунча ортга қарама!»** дедилар. Алий бир оз юриб, сўнг тўхтади-да, ортига қарамай, «Эй Аллоҳнинг Расули, одамлар билан нима мақсадда жанг қилай?» деб ҳайқирди. У зот шундай дедилар: **«Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигига, Муҳаммад Аллоҳнинг Расули эканига шаҳодат келтирмагунларича улар билан жанг қилгин. Агар шундай қилишса, сендан қонлари ва молларини сақлаб қолишади, лекин (Ислом) ҳаққи мустасно ва уларнинг ҳисоб-китоби Аллоҳнинг зиммасида».**

*Имом Муслим ривояти.*



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI